Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


1999 йил 15 июль пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 139 (2177)

БЕДОР ЎЙ

Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик.

Ислом КАРИМОВ



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА 47 КУН ҚОЛДИ!

✓ **1993 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ**. Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

✓ **1993 ЙИЛ 1 ОКТЯБРЬ**. Президент Ислом Каримов Халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида Фармон чиқарди. Бу кун ҳар йили октябрь ойининг биринчи якшанбасида нишонланадиган бўлди.

✓ **1993 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ**. Ҳар йили 14 январни Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонун қабул қилди.

ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

«Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар», деган эди Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида.

Дарҳақиқат, инсоният тарихида давлат ва жамиятлар пайдо бўлибдики, улар ўз мафкурасини ҳам илгари сурган. Чунки мафкура жамиятни ичидан бирлаштирувчи, уни якдиллаштирувчи, шу сабабларга кўра, унинг куч-қудрати манбаига айланувчи омилдир.



XXI аср сари

Бироқ кекса тарих яна бир ҳақиқатдан далолат беради: давлат ва жамиятнинг табиати қандай бўлса, унинг мафкураси ҳам шундайдир. Айрим мафкуралар, қанчалик зўр бериб тарғиб-ташвиқ этилмасин, уни яратган давлат ва жамиятнинг ўзи каби, барибир тараққиёт қаршисида бардош бераолмай сўнади. Масалан, ўз вақтида империяпарастлик ғояларини ўзига асос қилиб олган давлат ва жамиятлар бўлган. Уларнинг мафкураси ҳам шу ғояларга асосланган эди. Худди шу сабабларга кўра, империяларнинг ўзи каби уларнинг мафкуралари ҳам тарих саҳнасидан кетди. Муайян сиёсий доираларда туғилиб, кейин одамзотнинг зиммасига мажбуран қўйиладиган мафкуралар, тараққиётга ва инсониятнинг асл манфаат ҳамда мақсадларига зид бўлганлиги сабабли кўп умр кўрмай барбод бўлган. Гитлернинг фашистик диктатураси ва унинг ғоялари, собиқ мустабид шўро тузуми мафкураси бунинг далилларидир. Хуллас, мафкурада ҳам мафкура бор.

Ҳақиқий мафкура, Президентимиз таъкидлаганларидай, халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Шу боисдан уни миллий ғоя деб тарифлаш ҳам мумкин. Миллий ғоя тарзидаги мафкурагина халқни, миллатни бирлаштира олади. Бирлаштирганда ҳам руҳан, қалбан, имон-виждонан бирлаштиради.

Истиқлолнинг илк кунларидаёқ Президентимиз миллий мафкурамизнинг асосий вазифаси **«жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этишдан иборат»** деб таъкидлаган эдилар. Ўтган саккиз йил давомида шаклланиб, тобора ривож топиб келаётган миллий мафкурамиз учун мана шу қоида тамал тоши, меҳвар, асос бўлиб келаяпти.

Халқимизнинг янги мафкураси, миллий ғояси сарчашмаларида ҳаётимизда юз берган тарихий воқеа — Истиқлол ва унинг моҳияти белгиловчи ибтидодир. Биз бугун, масалан, истиқлолни «буюк неъмат» деб таърифлар эканмиз, бу шунчаки таъриф эмас, балки бу ибораларда халқнинг иродаси ўз аксини топган. Бутун Ўзбекистон халқи истиқлолни шундай деб қабул қилди, уни ўз ҳаёти ва тақдирининг янги маъноси деб билди. Истиқлол ўтган йилларда мамлакатни, ҳаётни, халқни, маънавиятни ўзгартирди. Мустабидликда, мутеълиқда узоқ ўн йиллар мобайнида яшаган халқ қалби-бастини тиклади. Бу мамлакат, бу халқнинг қадди-қоматини дунё кўриб турибди. Истиқлолнинг буюк неъмат эканлигига бундан ортиқ далил-исбот бўладими?!

Мустақил тараққиёт инсонни ижтимоий камолотнинг янги довонларига кўтармоқда. Шунга биноан, мафкурамиз ҳам янги маънолар, ғоялар, қарашлар билан бойиб бораяпти. Йўлбошчимиз 1999 йилнинг 2 февралида «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида: **«Эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур»** дедилар. Эркин маънавиятли фуқарони тарбиялаш миллий мафкурамизнинг янги ғояси, эгаллаган янги мавқеидир.

Шу билан бирга, истиқлол тўғрисида гап кетар экан, Президентимиз унинг улкан масъулияти тўғрисида ҳам бизни огоҳлантириб келмоқдалар. ЎзА мухбири саволларига жавобларида бу тўғрида янада чуқурроқ тўхталдилар. Бу огоҳлантириш ҳам чуқур ҳаётий асосларга эга эканлигини тараққиётнинг ўзи кўрсатаяпти. Чунки истиқлол муҳитида яшаш — меҳнат, бунёдкорлик, изланиш билан унинг ғалабаларини мустаҳкамлашдан ташқари, бу ғалабаларни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш учун бадаз ҳушёр, огоҳ бўлишимиз, ташқи ғаразли кучлар, турли хил таҳдидлардан уни ҳимоялашга тайёр туришимиз зарурлигини ҳам исботламоқда. Истиқлолнинг, ҳурриятнинг масъулияти ҳам — миллий мафкурамизнинг ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайдиган ғоявий тамойилларидан биридир.

Мустақиллик шароити ва унинг тараққиёти, хуллас, ўз мафкуравий қарашларини майдонга келтирмоқда. «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Бу азиз Ватан — барчамизники», «Адолат — биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор», «Қонун — ҳамма учун баробар»... Президентимиз ҳозирги ривожланишни атрофлича мушоҳада этиб, илгари сурган бундай ғоялар янги мафкурамизнинг асосларидир. Бу ғоялар ҳаёт талаби билан дунёга келди. Ва уларда биз танлаган йўлнинг истиқболли имкониятлари ўз мужассамини топган.

Миллий ғоя, мустақиллик мафкураси тўғрисида гап кетар экан, яна бир ҳақиқатни албатта эслаш ўринли бўлади. Гап шундаки, ҳақиқий мафкура — умумхалқни бирлаштирувчи олий мақсад-интилишлардан туғилади. Мамнуният билан таъкидлаймизки, биз бундай мақсадни мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ ўзимизга аниқлаб олдик. Юртбошимиз ўша кунларда, мустақил Ўзбекистон қандай йўлдан ривожланади, деган ҳаёт-мамот муаммосини қўйиб, мамлакатимиз тараққиётининг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб берган эдилар. Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисоди қонунларига асосланган янги иқтисодга ўтиш ана шундай мақсадлардир. Айнан ана шу улкан мақсадлар мафкурамизнинг ҳам янгича моҳиятини белгиламоқда. Шу ўринда айтишга тўғри келадики, айрим МДҲ давлатларида давлат ва жамият ривожининг бундай аниқ, ҳаётий асосланган стратегик мақсадлари ўз вақтида аниқлаб олинмаганлиги сабабли у заминларда ҳаёт ҳалигача изга тушмаяпти, парокандалик, бошбошдоқлик халқни қийнамоқда. Бинобарин, бундай шароитда айрим давлатлар ҳамон ўз миллий ғоясини ҳам аниқлаб ололмаяпти. Бу жиҳатдан биз миллий ғоямизни топиб, келажагимизга комил ишонч билан қараб, дадил олға интилаётганимизнинг ўзи алоҳида муваффақиятимиздир.

Бизнинг мафкурамиз — бизнинг эътиқодимиз, эзгу мақсадларимиз, орзу-интилишларимиз ифодасидир. Улар халқимизни истиқлолнинг шиддатли ва мураккаб тараққиёт йўлида меҳнат ва курашларда бирлаштиради ва олға чорлайди. Мафкураси, мақсади аниқ халқнинг истиқболи ҳам аниқ ва ишонарлидир.

Михли САФАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ў. Султоновни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали хизмати ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки учун Ўткир Султонов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 14 июль.







САЛОМАТ ОПА ДАЛАСИДА

Оила пудрати афзаллиқлари Уйчи туманидаги Алишер Навоий номидаги хўжаликда дарров кўзга ташланди. Одамлар деҳқончиликнинг бу усули «таъмини» татиб кўришгач, даладан чиқмай қолди. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой. Яъни, хўжалик ҳам, деҳқонлар ҳам бу усулдан катта манфаат кўришмоқда. Шу туфайли хўжалик аҳли бу йил мавжуд 5-10 гектарлик ғалладан 53 центнердан хирмон кўтаришди. Ҳозир 855 гектардаги ғўзалар дуркун ўсмоқда. «Қирғиз-3» навини экқан пахтакорлар ҳар гектардан 34,2 центнердан ҳосил олишни режалаб турибдилар. Айни пайтда хўжалик далаларида 23 та чопиқ трактори тинимсиз ишлаб турибди. 15 та дала шийпони эса деҳқонларнинг иккинчи уйига айланган.

СУРАТЛАРДА: хўжалик раиси Олимжон Иззатуллаев ва 4-бригада бошлиғи Саломат Тўхтабоева; ғўзага ишлов бир муддат бўлсада, тўхтамайди; ғўзалар кўсакланди.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг делегацияси Тбилиси шаҳрида ўтказилган конференцияда иштирок этиб қайтди. Анжуманда Грузия Конституциявий судининг Қора денгиз ва Каспий денгизи ҳавзалари Конституциявий судлари Кенгашини тузиш ҳақидаги таклифи муҳокама қилинди.

Конституциявий судлар Кенгашининг вазифаси мунтазам равишда конференциялар ўтказиш, ҳуқуқий ахборотни айирбош қилишда судларга ёрдам бериш, Конституциявий суднинг демократиянинг асосий унсурларидан бири сифатида мустақил бўлишига кўмаклашиш, судларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида уларга ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади. Конференция қатнашчилари Қора денгиз ва Каспий денгизи ҳавзалари Конституциявий судлари Кенгашининг таъсис учрашувини 1999 йил ноябрь ойида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўша куниёқ делегация аъзоларини Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе қабул қилиб, ўз давлатининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жамиятни ривожлантиришга қаратилган чора-талбирлар ҳамда ҳуқуқий давлатни барпо этишда Конституциявий суднинг тутган ўрни ҳақида гапириб берди. Мамлакат Президенти Конституциявий судлар анжуманининг аҳамиятини юксак баҳолаб, уларнинг ишида муваффақият тилади.

Сўнгра конференция қатнашчилари Батуми шаҳрига боришди. Бу ерда 1-2 июль кунлари "Федерал ва унитар давлатларда конституциявий назорат" мавзуида семинар бўлди. Конференция ташкилотчилари Грузия Конституциявий суди, Европа Кенгашининг Венеция Комиссияси, Америка Юристлар Ассоциациясининг минтақавий ваколатхонаси эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди делегацияси Грузияда бўлган вақтида Европа Кенгашининг "Демократияга ҳуқуқий йўл орқали борамиз" Венеция Комиссияси вакиллари билан шу йилнинг май ойида Варшавада бошланган ҳамкорлик ўрнатиш ҳақидаги мулоқотни давом эттирди. Ҳамкорлик Европа Иттифоқининг: демократия; инсон ҳуқуқлари; конституция ва қонунларнинг устуворлиги сингари асосий тамойиллари бўйича амалга оширилишига қарор қилинди.

(ЎзА)

Ўзбек оиласининг истиқболи

Республика "Оила" илмий-амалий марказида Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган маърузаси асосида "Ўзбек оиласининг истиқболи" мавзуида анжуман ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар иштирок этди.

Анжуманда мустақиллик йилларида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан оилани мустаҳкамлаш, фаровонлигини таъминлаш борасида катта миқёсдаги ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шунингдек, оилада маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш, оила аъзоларининг маънавий баркамоллигини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Анжуманда Бош Вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова қатнашди.

(ЎзА)

Бугун Самарқанд вилояти ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари комбайн-автомашина-хирмон конвейри усулида давом этмоқда. Вилоятда давлатга ғалла топшириш режаси аллақачон уддаланган. Бунда бошқа туманлар қатори пайариқлик ғаллакорларнинг ҳам арзирли улушлари бўлди. Улар 13000 тоннадан ортиқ ғалла сотишиб, бу борадаги режани ортиғи билан уддалашди.

РЕЖАГА ҚЎШИМЧА 1685 ТОННА

Пайариқлик ғаллакорлар 1999 йил ҳосили учун 14000 гектар майдонга барака уруғи қадашди. Суғориладиган 5000 гектар майдонга Самарқанд шароитида синовдан ўтган «Улуғбек-600» нави экилди. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 48,2 центнердан ҳосил олинаётганлигининг ўзиёқ бу навнинг истиқболли эканлигини кўрсатаяпти. Бобил Ҳасанов номидаги хўжаликда ҳосилдорлик 55 центнерни, «Туркистон»да эса 51 центнерни ташкил этаётир.


Тумандаги деҳқон-фермер хўжаликлари ихтиёрида 282 гектар ғаллазор мавжуд. Мавсумни барча хўжаликлардан барвақт якунлаган фермерлар гектар ҳосилдорлигини 55,2 центнерга етказишди. «Чўраш» жамоа хўжалигидаги Саттор Абдуғаниев бошлиқ звенода гектаридан 97 центнердан ҳосил олиниб, катта натижага эришилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йил пайариқликлар ғаллачилигининг ўзидан 189 миллион сўм атрофида соф фойда кўриши керак. Улар режалаштирилаётган бу мақсадга қандай эришилишини оддий ҳисоб-китобларда исботлаб беришди. Бундан ташқари, хўжаликлар учун 2150 тонна уруғлик ҳам жамғаришади.

Туман ғаллакорлари режага қўшимча яна 1685 тонна ҳосил етказиб беришмоқчи. Унинг ҳар килограмми давлат харид нархларидан юқорироқ, яъни 20 сўмдан сотилади. Жами ишлаб чиқариладиган ғалла миқдори эса 27900 тоннага етказилади. Ялпи ҳосилнинг 10700 тоннаси хўжаликлар ихтиёрида қолади. Ана шу ғалланинг ҳар бир килограмми ўртача 25 сўмдан сотилганда ҳам тармоққа 267 миллион сўмдан ортиқ фойда келаркан.

Кўриниб турибдики, режалар катта, ижобий ўзгаришлар сари қадам ташланаяпти. Қарангки, бундан икки-уч йил аввал Пайариқ вилоятдаги энг қолоқ туманлардан ҳисобланарди. Айниқса, ғаллачилик соҳасидаги ишлар ташвишли эди. Ўтган йилдан бошлаб эса тармоқда силжиш сезила бошлади. Бу йилги натижалар ёмон эмас.

Ҳа, далада ҳосил мўл. Белга урадиган ғаллани, бўлиқ бошоқларни кўриб дил яйрайди. Аммо ҳосилнинг даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб. Туманда эндигина 7700 гектардан ортиқ майдоннинг ҳосили саранжомлаб олинган. Бу умумий ғаллазорнинг 52 фоизини ташкил этади.



Ғалла ўрим-йиғимини ташкил этиш юзасидан белгиланган тадбирда мавсумни бир ойда якунлаш кўзда тутилган. Бу муддат яқинлашиб ҳам қолди. Аммо ҳали каттакатта майдонлардаги ҳосил йиғиштирилмасдан турибди. Ишнинг кечикишига сабаб ўрим комбайнларининг етишмаслигидир. Ўтган ҳафтадан бошлаб ишлаётган бешта «Кейс» русумли комбайн ёнига яна шундай тўртта техниканинг қўшилганлиги эҳтимол ишни тезлаштирар. Аммо «Енисей» ва «Нива» русумли мавжуд 42 та комбайннинг ҳаммасидан тўлиқ фойдаланишнинг имкони бўлмаяпти.

Улардан бор-йўғи 23 таси ишлатиляпти, холос. Қолганларига эса эҳтиёт қисм топиш муаммолигича қолмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
Ғулом РАЖАБОВ.



Миллатимиз ғурури

"ЎЗДЭУАВТО" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШГАНИГА УЧ ЙИЛ ТЎЛДИ

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг асосий мақсади — заҳматкаш халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузини ошириш, халқимизни мустақил тараққиёт йўли самараларидан баҳраманд этишдир. Бу ҳақиқатни саккиз йиллик истиқлол даври тўла тасдиқлади.

Сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг боришини кузатган одам уларнинг моҳияти фақат ишлабчиқаришни эркинлаштириш, моддий бойликларни эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бошқача айтганда, бу йўлда қилинган ҳар бир ҳаракат, хусусан, ўзлигимизни англаш, тарихий ва миллий қадриятларни ҳаётга қайтариш, замонавий иншоотлар барпо этиш каби улуғвор ишлар замирида халқимизнинг эзгилган қаддини кўтариш, унинг топталган ғурурини тиклашдек эзгу истак ётганини кўрамиз.

Шу маънода, Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг юртимиз довруғини олис-олисларга таратгани ёки замонавий иншоот — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишидан ҳар бир ватандошимизнинг боши осмонга етмадими?! Мустақиллик йилларида амалга оширилган бундай хайрли ишлардан истаганча мисол келтириш мумкин.

Эсимизда, бундан бир неча йил аввал Йўлбошчимиз, чет эл сафарларида бўлсам, ривожланган мамлакатлардаги одамлар ҳаёти билан танишиб, ёшлар турфа машиналарда сайр қилиб юрганини кўриб: "Нима, бизнинг ўғил-қизларимиз шундай бахтга муносиб эмасми?" дея армонли ўйларга толаман, дегандилар. Бу ҳам халқи учун жон куйдиришнинг, унинг ғурури учун қайғуришнинг бир кўриниши эди. Лекин мавжуд ҳолатни фақат эътироф этиш, таассуф билдириш билангина чекланиш бизнинг давлатимиз раҳбарига хос хусусият эмас. Буни жасоратли Президентимизнинг ўша заҳоти айтган: Йўқ, меҳнаткаш ва бағри кенг халқимиз, ўсиб келаётган ёшларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак! деган қатъиятли сўзларида яққол кўрган эдик.

(Давоми 2-бетда).

Миллатимиз ғурури

(Давоми. Боши 1-бетда).

Орадан кўп ўтмай Жанубий Кореялик ҳамкорлар иштирокида Асака шаҳрида енгил автомобиллар заводи қурилиши бошланиб кетди. Яширишнинг ҳожати йўқ, ўшанда завод уч йилда ишга тушади, шу муддатда унинг конвейеридан дастлабки машиналар чиқади, деган гапга ишонмаганлар ҳам, мийиғида кулиб қўйганлар ҳам бўлди. Кўпчиликка бу афсона бўлиб туюлди.

Ҳақиқатан ҳам, ўтиш даври мураккабликлари иқтисодиётга салбий таъсир этиб турган, молиявий тақчиллик шароитида шундай завод қуришнинг ўзи бўладими? Лекин давлатимиз раҳбарининг қатъияти, келажакни кўзлаб иш тутиши, қийинчиликлардан чўчимаслиги, қолаверса, хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига ишончи рамзи ўлароқ, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси белгиланган муддатдан анча олдин — икки ярим йилда қуриб битказилди. Бу кореялик мутахассислар билан елкама-елка ишлаган, кечани-кеча, кундузни-кундуз



демай меҳнат қилган минглаб ўзбекистонлик лойиҳачи, муҳандис, қурувчи ва ишчиларнинг, таъбир жоиз бўлса, бутун халқимизнинг улкан жасорати ва ғалабаси эди. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган тинчликпарвар ва халқпарвар сиёсатнинг, мустақил, ўзимизга хос тараққиёт йўли бизни қандай юксакликларга кўтара олишининг, ўз кучимизга ишончимизнинг ёрқин намойиши эди! 1996 йил, 19 июль ... Завод ишга тушиши муносабати билан бу ерга келган республика раҳбарияти ва жамоатчилиги, дипломатик корпус вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари, меҳмонлар — барчанинг нигоҳида ҳайрат ва ҳаяжон... Конвейерлардан бирин-кетин чиқиб келаётган, бир-биридан гўзал ва қулай "Тико", "Дамас", "Нексия" машиналари кўзларни қувонтирарди. Улар мустақиллигимизнинг кўз билан кўриб, қўл билан ушлаш мумкин бўлган, энг кибор одамга ҳам кўз-кўз қилса арзийдиган неъмати эди! Бу, вақтинча қийинчиликларга дош бера олмай, мустақиллик бизга нима берди деб юрган, оёғи остидан нарини кўра олмайдиган айрим кимсаларга инкор этиб бўлмас жавоб эди!

Завод қурилиши баробарида келажакда унда ишлайдиган ёшлар Кореяда ўқитилди. Натижада мураккаб технологик жараёнларни, замонавий компьютерларни бошқара оладиган маҳаллий кадрлар шаклланди. Бу билан Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек ёшлари гўё катта билим ва малака талаб этиладиган замонавий техника воситаларида ишлашга қодир эмас, деган шўро замонидаги сохта, асоссиз ақидага ҳам барҳам берилди.

Гарчи "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси расман ёз ойларида очилган бўлса-да, автомобилларнинг дастлабки туркумлари 1996 йилнинг март ойидаёқ тайёр бўлган эди. Шу йил 25 минг донадан зиёд енгил машина ишлаб чиқарилди. Кейинги йил эса бу кўрсаткич қарийб 69 минг донага етди. Энг муҳими, ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар қулайлиги, тежамкорлиги билан юртдошларимиз меҳрини қозонди, минглаб оилаларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қила бошлади.

Шу ўринда, яқин ўтмишимиздаги кўпчиликнинг бошидан ўтган бир ҳолат одамга алам қилаверади. Ўша йиллари бир енгил автомашина олиш учун неча йиллаб навбат кутишга тўғри келар эди. Ўшанда ҳам олғирлар навбатингизни "илиб" кетиб, аро йўлда қолаверар эдингиз. Ишлаб чиқариш илғорларига эса машина ўз нархида — мукофотга бериларди. Воажаб! Пулга сотиб олинадиган мукофотни ҳозирги ёшлар тасаввурига сиғдира олармикин? Энг алам қиладиган жиҳати шундаки, кўпинча илғор бечоранинг ажратилган машинани харид қилишга қурби етмас, оқибатда у "тойчоқ" ё раис, ёки райижроқўм ходими, нари борса, мукофотланувчининг бирор пулдор қариндошига насиб этар эди. Чет элларда машиналар шундоқ дўконларда туради, истаган одам сотиб олаверади, деса ўзимизни эртак эшитгандек ҳис қилар эдик.

Одамни хўрлаш, инсон шаънини ерга уриш, камситиш ҳам шу қадар бўладими? Космосга учишга, водород бомба ясашга, бизга дўст ё ғанимлиги номаълум бўлган дунёнинг турли бурчакларидаги "коммунист"ларни боқишга қурби етган давлат қўшимча бир-иккита завод қурса, осмон узилиб ерга тушмасди-ку! Ахир, неча одамларнинг умри, мен ҳам ўз машинамга эга бўлармиканман, деган армон билан ўтиб кетди!

"ЎзДЭУавто" заводида бу йил 80 минг дона машина ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунинг ўзи ҳам қанчадан-қанча оилаларда байрам, бола-чақалар қувончи дегани эмасми? Бундай шодликнинг баҳосини нима билан ўлчаб бўлади? Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган машиналарнинг Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби ҳамдўстлик давлатларида ҳам обрў топаётгани, харидорлари кўпаётгани, айниқса, қувончлидир. Чунки, бозор муносабатлари шаклланаётган, очиқ иқтисодиёт тамойиллари амалда бўлган ҳозирги шароитда бир маҳсулотни ишлаб чиқариб харидорга маъқул қилиш, иқтисодчилар тили билан айтганда, рақобатга бардош бериш осон иш эмас. Қолаверса, четга машина экспорт қилиш — валюта ишлаш демакдир. Бунинг аҳамиятини бугунги кунда нафақат ишлаб чиқарувчи ва иқтисодчилар, балки ҳамма ҳам тушуниб қолди, десак хато бўлмас.

"Ўзавтосаноат" уюшмасидан маълумот беришларича, ҳозир Болтиқбўйи давлатлари билан ҳам турли русумдаги машиналар етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилмоқда. Рига шаҳрида "ЎзДЭУавто"нинг минтақавий корхонаси очилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон машиналари Европага ҳам кириб бормоқда.

Замон шиддати, тараққиёт тамойиллари жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллаймай деган ҳар бир ишлаб чиқарувчидан доимо изланишни, маҳсулот сифатини яхшилаб боришини талаб этади. Бусиз олға силжиб бўлмайди. Шу боис, Президент Ислом Каримов заводнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида бу ерда ишлаб чиқарилаётган машиналарни мунтазам равишда замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш зарурлигини таъкидлаган эди. Қўшма корхона жамоаси олдига қўйилган ана шу масъулиятли вазифанинг ижроси ўлароқ, келгуси йилнинг июль ойидан бошлаб Ўзбекистон автомобилларининг янада мукаммал, янада кўркам янги моделлари чиқа бошлайди.

Завод 2004 йилга бориб, тўла лойиҳа қуввати билан ишлайди ва бу ерда йилига 200 минг дона енгил автомобиль тайёрланади. Ҳозир корхона учун зарур бўлган бутловчи материалларнинг 20 фоизи ўзимизда ишлаб чиқилаётган бўлса, 2003 йилга келиб бу кўрсаткич 85 фоизни ташкил этади. Бу маҳсулот таннархини арзонлаштириш билан бирга, яна қанча-қанча одамни иш билан таъминлаш имконини беради. Аҳоли зич яшайдиган Андижон вилояти, умуман, Фарғона водийси учун бу омил нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси жамоаси, бутун халқимиз мустақиллигимиз тарихидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 давлат сафига қўшилган кунни ҳар қанча фахр ва ифтихор билан эслаб, байрам қилса арзийди. Чунки бу кун — қаддимизни яна бир поғона кўтарган, Ватанимизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаган, ўзимизни-ўзимизга, қолаверса, бутун дунё аҳлига танитган қутлуғ кундир.

Биз гапни халқимиз ғуруридан бошлаган эдик. Бугун диёримизда "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган "Тико", "Дамас", "Нексия" автомобиллари кириб бормаган бирон қишлоқ ёки овул йўқ. Мен шу асnода ўзбек заминини, жаннатмакон юртимизни мовий осмонга, халқимизнинг ақл-заковати, бунёдкор қўллари билан яратилган ранго-ранг машиналаримизни эса ана шу осмон узра ёйилган ғуруримиз юлдузларига ўхшатгим келади.

Фахру ғуруримиз юлдузлари янада кўпаяверсин, уларнинг ёрқин нури ҳар бир хонадонни чароғон этаверсин.

Ғуруримиз юлдузлари ҳеч қачон сўнмасин!

Аҳмад ХЎЖА
(ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ — БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

Куни кеча юртимизга узоқ Америка Қўшма Штатларидан бир хушхабар келди. АҚШда, Нью-Йоркнинг энг нуфузли театрларидан бирида илк бор ўзбек адибининг пьесаси саҳна юзини кўрадиган бўлди. Бу — муҳтарам адибимиз, адабиётимизнинг оқсоқоли Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" асари.

Хушхабар баҳонасида Саид Аҳмад ота билан суҳбат асносида, билсак, "Келинлар қўзғолони"ни нафақат Нью-Йоркда, балки Канада ва Исроил театрлари саҳналарида намойиш қилиш режалаштирилаётган экан. Отанинг ўзи эса хориждаги илк премьерага боришга тайёргарлик билан боғлиқ хайрли ташвиш ила банд. "Биз илгари асаримиз Москвада чоп этилса, дўппимизни осмонга отар эдик. Асарларимизнинг Америкаю Канадаларда саҳналаштирилишини эса ҳатто орзу ҳам қилолмаганмиз,— деди Саид Аҳмад ота чойни қайтарар экан. — Шукур дейишимиз керак, "Келинлар қўзғолони"нинг Нью-Йоркда саҳналаштирилаётгани ҳам мустақиллик берган имконият".

Ота билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Унинг мавзуи эса асосан Саид Аҳмадни ёзувчи сифатида ўйлантираётган муаммолар хусусида бўлди.



МУСТАҚИЛЛИК ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР

Саид АҲМАД

— Мен ақлимни шўролар замонида танидим. У замоннинг яхши кунларини ҳам, энг кир, энг қора тунларини ҳам кўрдим. Насиб этган экан, мана, мустақиллик ҳавосидан ҳам тўйиб нафас олиш бахтига мушарраф бўлиб турибман. Шу боис, юртимизнинг мустақиллиги ҳақида гапиришга ҳаққим бор деб биламан. Шунинг учун ҳам у ҳақда гапираётган айрим одамларнинг сўзини тинглаб турсам, ажабланаман. Улар менга худди девордаги плакатни ўқиётгандай туюлади. Барака топгур, мустақиллик ҳақида бунчалик ҳиссиз, масъулиятсиз гапириб бўлмайди, дегим келади. Масъулиятсиз айтилган гап улуғ мақсадлар йўлидаги ишларимизга ҳам эътиборсизлик, бефарқликнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Масъулиятсизлик билан айтилган гап халқни нодонликка олиб борадиган йўл эканига бир-икки мисол айтсам. Олтиариқни биласиз, жуда чиройли гўша. Шўролар замонида ўша ердаги хилхоналардан бири "Марказий қабристон" деб аталарди. Тавба, дейман, қабристоннинг ҳам марказийси бўладими? Шу қабристонга олиб борадиган катта йўлнинг бошига эса "Барча йўллар коммунизмга олиб боради", деган панно илиб қўйилган бўларди. Қўқондаги қабристоннинг кираверишида жойида эса "КПССга шон-шарафлар!" деган ёзув бўларди. Олтиариқдаги бошқа бир қабристоннинг пештоқига "Хуш келибсиз!" деган ёзув осиб қўйилган эди, десам баъзилар ота латифа айтяпти дейди...

Ватан мустақиллиги туйғуси юракдан жой олиши керак. Шунда сизга четдан бўлаётган ҳар хил таъсирлар чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмайди. "Кўк қоғоз"га сотиладиган болалар ва уларнинг хорижда яшириниб юрган раҳбарлари ҳам чапак чалиб қолаверади.

Уруш пайтида фашистлар ва уларнинг гумаштлари 9-10 яшар оч болаларни нон ёки ширинлик билан алдаб, турли варақалар тарқатишга жалб қилган экан. Мен Тошкентда террор уюштирган болаларнинг аксариятини шундай "ширинликка алданган" нодон болалар деб ўйлайман. Уларни жиноятга ундаган, бошлаган катталарини ушлаш лозим. Улар ҳам қонун олдида жавоб бериши керак!

Ўз халқига, миллатига, Ватанига муҳаббат ёш авлоднинг қонига ўтаётганини кўриб турибмиз. Ёшларнинг гап-сўзини эшитсам, қарилигим эсдан чиқиб, менинг ҳам қоним гупуриб кетади. Мен Жезқазғандаги "Степлаг" деган лагерда Альгис Четкаускас деган бир литвалик ҳамда бир япон асири билан бирга қамоқда ўтирганман. Японнинг исми Ероси Дюн эди. Бир куни нимадир бўлиб, литвалик дўстимиз япон императорини сўкиб қолди. Дюнбой бундан қаттиқ ғазабланиб, кичкина пичоқчасини шартта ўзининг билагига урди. Мен унинг қўлидан тутдим. "Императорингни сўккан — бу, сен нега ўзингга пичоқ урасан?", дедим. У қийнала-қийнала шундай деди: "Модомики, у менинг императоримни бир пулга олмас экан, демак, мени ҳам сариқ чақача кўрмайди!" Мен ҳозирги ёшларимизнинг аксариятида ўша япондаги шижоатни, ўз Юртбошисига садоқатни кўргандай бўламан. Япон боласи учун императорининг ҳаёти ўз ҳаётидан кўра мўътабар эканини ўшанда билганман. Биз ҳам ўз Президентимизга ана шундай садоқатли бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Анави террорчилар эса Ватанда шундай куч ўсиб келаётганидан, кейинчалик уларни бўйсундириш қийин бўлишидан аламда!

Мустақиллик нима? У бизнинг ўз-ўзимизни танишимизда! Дунёнинг бизни танишида! Шўролар бизни ўзимизга ҳурматдан, озгина вақтга бўлсин, жудо қилолгани учун юртимизда бемалол ҳукмини ўтказган. Шўролар ҳукумат халқники, деган шиор билан авомни алдашга муваффақ бўлган. Ўттизинчи йилларда қарорбозлик роса авжига чиққан эди. Арзимаган сабаб билан мажлис чақирилиб, унда Англия бош вазири Чемберлен сўкиларди. "Чириётган Ғарб"ни қоралаб, қарор ҳам чиқариларди. Қарорбозлик шу даражада авж олган эдики, шўроларнинг энг катта жаллоди Дзержинский ўлганида Тошкентдаги кўнчилар союзи: "Ўртоқ Дзержинскийнинг вафоти қаноатланарли топилсин", деган қарор ҳам чиқарган. Ишонмайсизми? Лекин бор гап бу. Ҳақиқат. Аслида, бу ҳам халқни калака қилишнинг, эзишнинг бир йўли бўлган.

Ҳозир кўп болаларимиз хорижнинг мана-ман деган дорилфунунларида ўқиб қайтмоқда. Президентимиз давлатимизнинг эртанги куни шундай ўқиган ёшларнинг қўлида бўлишини қайта-қайта таъкидламоқда. Бу — бир кунлик сиёсат эмас. Бу — мустақилликнинг моҳиятини англатадиган яна бир далил. Бу моҳиятни яхшироқ англамоқ учун яна эски замон сиёсатига мурожаат қилсангиз, у янада яққолроқ намоён бўлади.

Шўролар ҳукумати саводсиз, нодон одамларга суяниб ишлаган. Ўзбекистон Марказий Ижроқўмининг биринчи раиси Йўлдош Охунбобоев аравакашдан чиққан чала савод одам эди. 1945 йили унинг ўрнига Абдували Мўминов деган яна бир саводсиз киши "сайланди". У Уйчидаги бир жамоа хўжалигининг раиси бўлган. Мен шу кишининг таржимаи ҳолини газетага ёзганман. Бир саҳифа бўлиб чиққан. Материал газетада чиққанидан кейин у мени чақирди. Ўзим ўқиб бердим. Мен ўқияпман, у йиғлаб ўтирибди. Нима бўлди, оқсоқол, деб сўрасам, раҳматли онам тирик бўлганларида саводсиз ўғли Охунбобоевнинг курсисида ўтирганини, газетларда катта қилиб ёзишганини кўриб, роса хурсанд бўларди-да, дейди. У йиғлаяпти денг, мен эса юпатиб ўтирибман. Бандалик-да, дейман.

Яна нима дей? Аҳвол шунчаликки, ўшанда мен ҳам республика раҳбарининг саводсиз бўлишини одатий ҳол деб билган эканман. Мана сизга тескари тарғиботнинг кучи! Ўша йиллари маънавияти мажруҳ, қолоқ одамлар раҳбарлик курсисига қўйилиши оқибатида халқнинг ҳам маънавияти пучайтирилган. Уни эзиш, бўйсундириш осон бўлган.

Ақлли, илмли, "кўзи очиқ" одам раҳбарликка чиқиб қолса, "марказ" юритаётган маккорона сиёсатни тушуниб қолиши мумкин. Ҳукумат шундан қўрққан. Оми одам эса мансабидан айрилиб қолмаслик учун фақат ўзини ўйлайди, ўзидан омироқ одамларни атрофига тўплашга ҳаракат қилади. Саркорлари элни ўйламайдиган юртнинг аҳволи эса хароб. Ўттизинчи йиллари давлат онгли табақани қатағон қилди. Нодонроқлар эса ўзидан-да нодонроқ одамларни тарбиялай бошлади. Мустамлакачилик сиёсатининг бош мақсади, негизи ҳам шу бўлган.

Президент Ислом Каримовдаги бир фазилатдан барча, айниқса, каттаю кичик раҳбарлар ибрат олиши керак. У киши қайси ишга қўл урса, катта муҳаббат билан ёндошади. Охирига етмасдан қўймайди. Изчил инсон. Яқинда Сурхондарё ва Қашқадарёда бўлганида шунинг яна бир бор гувоҳи бўлдик. Президент ишчи ёшлар билан ўз тенгқуридай очиқ суҳбат қурди. Ҳатто ҳазил-ҳузул қилди. Бу Йўлбошчимизнинг бағри кенглигидан, халқчиллигидан яна бир белги.

Ўзбекистоннинг илк нишони "Соғлом авлод учун" ордени эди. Бунда жуда катта рамзий маъно бор. Биз буюк келажак қуряпмиз. Унга муносиб авлодни тарбиялаш эса биринчи бурчимиз. Соғлом авлод учун, деган шиорни фақат жисмоний етуклик маъносида тушунмаслик керак. Бунга маънавий баркамоллик масалаларини ҳам эш қилмоқ лозим. Мамлакатимизда спортга жуда катта эътибор берилаётгани жисмоний соғлом авлоднинг камол топиши учун замин бўлаётир. Маънавият масалаларига эътибор қаратилаётгани эса руҳи соғлом, бақувват авлоднинг дунёга келишига асос бўлади.

Биз болаларга мактабданоқ Ватан туйғусини сингдириш йўлидан боришимиз керак. Чунки тарбияда гап кўп. Ёшликда юракка сингган ғоялар кейинчалик ҳам кишининг маънавиятига таянч бўлиб туради. Лекин тарбия фақат гап-сўз билан чекланмаслиги лозим. Болаларимизда Ватанга муҳаббат уйғотиш учун эса уларга Ватанни кўрсатиш керак. Болаларимиз ёшлигидаёқ Самарқанд ва Бухорони, Хива ва Тошкентни кўрсин, жаннатмонанд боғлар, улкан тоғлар қўйнига чиқсин. Улар Ватан деган сўзни тилга олганида, кўз ўнгида мавҳум бир хаёл эмас, аниқ-тиниқ манзаралар гавдаланиши лозим. Ҳарбийга борган йигит ўшанда ўзи нималарни қўриқлаётганини яхши тасаввур қилади. Ҳар хил террорчиларнинг ҳаракати туфайли қандай гўзал юрт харобага айланиши мумкинлигини яққол сезади, бинобарин, бундай ғаламисларга ўз вақтида ва кескин жавоб бера билади.

Мустақилликнинг эртанги куни фарзандларимизнинг тасарруфида бўлади. Бир гапни таъкидлаш керак. Мустақилликнинг асосий юки ҳозирдаёқ ёш йигит-қизлар ва ўрта авлод вакиллари елкасига тушди. Тўғри, катта авлод ҳам хизмат қилмоқда, лекин биз каби кексалар таъмирланган дастгоҳга ўхшайди. Улар тез-тез "бузилиб" туради. Навқирон авлод эса мустақиллик биносига ўзи пойдевор қўйиб, ўзига буюк иморат қурмоқда. Уларнинг маънавияти бутун бўлиши бугуннинг энг муҳим масаласидир.

Ҳаётимизда қийинчиликлар йўқ эмас. Лекин одамларимиз ҳаётга кўзни катта очиб қарашга ўрганишмоқда. Мустақиллик бизга нима берганини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Кўчага чиқиб, ўтиб-қайтаётган машиналарга қараш кифоя. Бўй тиклаётган баланд иморатларга, йўл бўйлаб ўтган газ ва сув қувурларига қараш кифоя. Ахир, булар илгари йўқ эди. Қолаверса, янги иморат қилаётган одам бир-икки йил янги костюм киймай туриши, серёғ, сергўшт паловни камроқ ейиши мумкин. Иморат солаётганда, хотин бўйнидаги марваридини, эр қўлидаги тилла соатини сотиши мумкин. Лекин ҳечқиси йўқ. Буларнинг ўрни тез орада тўлиб кетади. Биз ҳам ҳозир юртимизда шу жараённи бошдан кечиряпмиз. Сабрли бўлмоғимиз, эртанги кунимизга ишонмоғимиз, ишониб меҳнат қилмоғимиз лозим.

Ҳозир давлатимиз, хусусан, Президентимиз эртанги фаровон кунни таъминлайдиган ишлар билан банд. Одамларни уйли-жойли қилиш, газ, сув олиб келиш ташвиши, эртанги бўладиган улкан корхоналарга хомашё етказиб берадиган заводу фабрикаларни қуриш ташвишида бугун кўнглимиздагидек яшай олмаётган бўлсак, бундан фожеа ясамаслик керак. Улкан ўзгаришлар жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилаётган бўлса, бу ҳам табиий. Мустақил жамият қуришнинг мактаби йўқ. Бирор жойга бориб ўқиб келишнинг ҳам иложи йўқ. Фақат ўзимизнинг тажрибаларимиздан, хатоларимиздан ўрганамиз, сабоқ оламиз, холос.

Мамлакатимизнинг кундан-кунга тобора чирой очиб бораётганини халққа кўпроқ ва хўброқ кўрсатиш керак. Атроф қанчалик гўзал бўлса, кишининг маънавияти ҳам шунчалик гўзаллашади. Эртанги кунига ишончи янада ортади. Буни психолог олимлар кўп таъкидлашади. Яъни, сурват сийратни ўзгартиши мумкин. Куни кечагина ўчоғида таппи тутатиб ўтирган одамлар қишлоғига газ келгани ҳақидаги хабарни эшитгач, бир тўлқинланиб олади. Шунақа, бир қарашда оддий кўринадиган ишлар оммага қанчалик ижобий таъсир этишини тасаввур қилолмайсиз.

Яқинда Сурхондарёга борган эдим. Термиз илгари қолоқ шаҳар эди. Мустақиллик йилларида у ердаги юз берган ўзгаришларни кўриб, лол қолдим. Шундай гўзал, файзли шаҳар бўлибди! Бундай ўзгаришлар айримларнинг мустақиллик бизга нима берди, каби саволларига кўргазмали жавоб бўлади.

Худога шукурки, мустақилликка эришишимиз қонсиз-қурбонсиз бўлди. Лекин уни асраб қолиш, мустаҳкамлаш, четдаги "зўрлар"нинг домига тушиб қолмасликнинг ўзи осон кечмайди. Кўрдик, анави ўзбекча гапираётган террорчилар ҳам хорижнинг пулига иш қилиб юрган экан. Биз ўзимизга мустаҳкам бўлсак, ўзимизни яхши таниб олсак, ўшанда хориж ҳам бизни тўла ҳуқуқли ҳамкор деб танийди. Ҳурмат қилади. Мустамлака замонларида онгимизга кишан солинган эди. Ўша кишаннинг излари айрим кишиларда ҳозир ҳам бор. "Демократман", "диндорман" деб айюҳаннос солиб юрганлар аслида ўша кишанни қайта қўмсаётганлар бўлса ажаб эмас. Ундайларга орамизда энди ўрин йўқ!..

Мусулмон НАМОЗ
ёзиб олди.
(ЎзА)

ФАХРИЙЛАР БЕЛ БОҒЛАШДИ

Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани қариялари кексалик фақат гап-гаштак, чойхоналардаги адоғи йўқ суҳбатлардангина иборат эмаслигини исботлаб, шоирнинг юқоридаги фикрини тасдиқлашмоқда.

Гапнинг даромади шундаки, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тизимидаги корхоналар бу туманда айниқса самарали фаолият кўрсатмоқда. Фақат тўрт шўъба корхонаси кейинги уч ой ичида бир миллион сўмдан зиёд соф фойда олди. «Нур-Кайковус» корхонасининг қўли гул усталари ҳар ойда икки юз минг сўмликдан зиёд ганч-безак ишларини бажаришмоқда. «Шух-шов» корхонасининг меҳнат жамоаси эса пойтахт лицейларида 10 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишди. «Шаҳристон-ГК» ва «Нурободсавдо» корхоналарининг тадбиркорлари олис-яқин хориждан 50 миллион сўмлик турли хил материалларни олиб келишди. Бир қатор корхоналарнинг кекса тадбиркорлари лойиҳа-конструкторлик ва экологик дастурларни рўёбга чиқаришда қатнашаётирлар.

Тошкентда ўз ишини якунлаган «Нуроний» жамғармаси семинарида республикамиз фахрийларининг шу сингари саъй-ҳаракатлари, тадбиркорликни ривожлантиришга уларни кенгроқ жалб этиш тажрибалари умумлаштирилди. Йиғинни «Нуроний» жамғармасининг Марказий Кенгаши ташкил этди. Жамғарма тасарруфидаги корхоналар тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ўқув машғулотларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг ижрочи директорлари қатнашишди. Улар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг айрим муаммолари, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари теварагида атрофлича маслаҳатлашиб олдилар. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, «Бизнес-фонд»нинг раҳбар ходимлари кекса тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, солиқ ва бошқа тўловларнинг ундирилиш механизмлари, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда кредитлардан фойдаланиш тартибларини ойдинлаштириб беришди.

Шаҳзод НАЗАРОВ.

Фикрга қарши фикр

ДИН ОГОҲЛИК ВА

Исломшунос олим Абдулҳаким

— Абдулҳаким ака, суҳбатимиз ибтидосида Ислом дини, унинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва беқиёс аҳамияти хусусидаги мулоҳазаларингизни эшитсак...

— Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг сарчашмаси бўлиб келган. У инсонларни икки дунё саодатига эришишларига ундайдиган, илоҳий таълимотларни ўзида мужассам этган самовий динларнинг сўнгиси ва энг мукаммали бўлган диндир. Ислом динининг мукаммаллиги ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Моида» сураси, 3-оятида шундай дейди:

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим».

Бу оят орқали Ислом дини мукаммал бўлган ва барча шариат ҳукмлари баёни поёнига етгани ҳақида айтилмоқда.

— Динимизнинг энг сўнгги, энг мукаммал ва ҳақиқий дин эканлиги маълум. Унинг тинчлик, осойишталик, дўстлик ва барқарорликка даъват этувчилигини фақат мусулмонларгина эмас, бошқа динларга мансуб халқлар ҳам эътироф этишади.

— Тарихдан маълумки, Исломдан аввал араб қабилалари ўртасида ўзаро жанжаллар бўлиб турар эди. Жаҳолат ботқоғига ботган, ўзаро адоватда бўлган араб қабилаларини Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам инсонлар бир ота-онанинг фарзандлари эканларини баён қилувчи исломий таълимотлар орқали уларни бирлашишга, иттифоқликка чақирдилар. Ҳаттоки, бир-бирлари билан доимо адоватда бўлиб келган қабилалар ҳам Исломни қабул қилгач, бир-бирлари билан дўстона биродарликда ҳаёт кечира бошладилар.

Аммо мусулмонлар орасидаги бу дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва иттифоқликни кўра олмайдиган шайтони лаъин ва унинг измига юрадиган мунофиқ, бузғунчилар — Ислом дини душманлари Пайғамбаримиз (с.а.в) даврларида ҳам фитна уруғини сочишга, мусулмонларни тафриқага солиб, бир-бирларининг ноҳақ қонини тўкишга сабаб бўладиган иғво-найрангларни қилиш ҳаракатида бўлдилар. Бундайлардан Аллоҳ таоло мусулмонларни огоҳлантириб, «Моида» сурасида шундай дейди:

«Барчангиз Аллоҳнинг ипини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъмати ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб, Оллоҳ сизга ўз оятларини баён қилади. Шоядки ҳидоят топсангиз».

Ушбу ояти каримадаги «Оллоҳнинг ипи» деган иборадан Қуръони карим тушунилади. Жарга қулаш хавфидаги инсон ип-арконни маҳкам ушласа, қутилиб қолганидек, дўзах тубига қуламасликнинг ҳам бирдан-бир чораси — Қуръони карим кўрсатган ҳидоят йўлини маҳкам тутишликдадир. Шундагина инсон нажот топгусидир. Бунинг учун барча мусулмон уммати бир бўлиб, Аллоҳнинг Қуръони каримдаги таълимотларига бўйсуниши лозимдир.

Юқоридаги ояти каримдан Аллоҳ таоло мусулмонларни аввало бирликка чақириб, сўнг тафриқаларга бўлиниб кетмасликка амр қилади. Минг афсуслар бўлсинким, мусулмонлар ушбу ояти каримага тўла амал қилмаганликлари, Аллоҳнинг ипи бўлмиш Қуръони карим кўрсатмаларини маҳкам тутмаганликларидан фойдаланган Ислом душманлари мусулмонлар ўртасида пароканадалик содир этиш, уларнинг Қуръони карим ҳақидаги фикрларини чалкаштириш, омма орасига нифоқ солиш, уларни турли гуруҳ ва тоифаларга бўлиб юбориш мақсадида, Ислом номидан оқимлар тузишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай бузғунчи оқимлар соддадил халқ оммасини ўз тарафларига оғдириб олиш учун турли ғаламисликлардан қайтмаяптилар.

— Тўғри айтдингиз. Бу бузғунчилар Ҳизбут таҳрир, ваҳҳобийлик, акрамийлик, ҳамас, иҳвинул-муслимин, жундуллоҳ, исломий уйғониш каби уюшмаларга бирлашиб, асл муддаоларига етиш учун диндан фойдаланмоқдалар. Ҳизбут таҳрирчилар ҳатто «мусулмонлар учун халифа сайлаш ишини бажармаслик катта гуноҳдир. Чунки бу иш исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини бажармасликдир», «ислом давлатисиз... ислом ҳаётини қайтадан бошлашга йўл йўқ» дейишгача бориб етмоқдалар.

— Бунақа тоифа, ҳаракат ва оқимлар пайдо бўлишини олдиндан кўрган пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам «Яҳудийлар етмиш бир фирқа ва гуруҳга, насронийлар етмиш икки фирқа ва гуруҳга бўлиниб кетадилар. Мусулмон уммати эса етмиш уч тоифа фирқа ва гуруҳга бўлиниб, улардан фақат биттасигина тўғри бўлиб, қолганлари эса жаҳаннам ўтида куяжак» дедилар. Шунда саҳобий киромлардан бири сўради: «Ё Расулуллоҳ, ўша тўғри йўлда бўладиган гуруҳ қайси?» Он ҳазрат бу саволга «У бугун мен ва менинг саҳобаларим сингари йўл тутувчилар гуруҳидир» деб жавоб берган эдилар.

Бу бузғунчи оқимлар асосан, ҳақиқий Ислом таълимотидан бехабар, соддадил мусулмонларни ўз йўлларига даъват қилаётганликларини юқорида айтиб ўтган эдик. Ана шундай бузғунчи оқимлардан бири Ҳизбут таҳрир номи билан аталган ва ўзини ҳақиқий исломий оқимдан деб даъво қилаётган ҳаракат бўлиб, бу ҳаракат мусулмон халқлар яшайдиган бирорта мамлакатда ҳам ўз фаолиятини юргиза олмай, эндиликда улар диёримиздаги соддадил кишиларни, энг ачинарлиси, келажагимиз бўлган ёшларимизни тузоқларига илинтирмоқдалар. Ўзларининг ғаразли мақсадларига етишиш учун Ислом дини ниқоби остида оят ва ҳадисларни ўз низомларига мослаб, тафсиру таъвил қилмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади ҳалифалик давлатини тиклаш бўлиб, даъволарига кўра, бу барча мусулмонларнинг энг олий мақсади, фарз амалларидан бири эмиш.

Биз барча мусулмонларга, хусусан соддадил, ҳали ҳаёт аччиқчучугини тотмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларимизга шуни алоҳида таъкидлаб айтамизки, Исломда фарз қилинган амалларнинг барчасини Оллоҳ таоло Қуръони каримда аниқ баён қилиб берган.

Қани, ўша «Ҳизбут таҳрир»нинг «билағон алломалари» Қуръони каримда халифалик давлатини қуриш фарздир, деган оятни каримани топиб берсинлар-чи?!

Ақида бобига оид масалаларни фақат Қуръони карим оятларида келган ёки Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаламдан ворид бўлган мутавотир (ҳар бир босқичдаги равийлар сони уч кишидан зиёд бўлиб ривоят қилинган) ҳадисларда келган таълимотларга асосан олинади. Шундай экан, таҳрирчилар ўз даъволарига биронта мутавотир йўли билан ворид бўлган ҳадис келтирсинлар-чи?!

Йўқ, келтиролмайдилар! Улар ўз адабиётлари, турли варақаларида Қуръони карим оятлари ва пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини ўз ғаразли мақсадларига мослаштирадилар. Бу билан ўша оят ёки ҳадиснинг асл мазмунидан омма эътиборини четлатадилар. Бу оғир гуноҳ хусусида Аллоҳ ўз каломида «Оллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!..» (Моида сураси, 49-оят) деб огоҳлантиради.

— Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам «Менинг вафотимдан кейин халифалик ўттиз йил давом этади. Ундан кейин амирлик ва подшоҳликлар бошланади» деганлар (имом Термизий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоятлари). Демак, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, — муфтий Абдурашидқори Баҳромовнинг «Дин ниқоби остидаги динбузарлар ҳақида фатво»сида таъкидлаганидек, ҳақиқий ислом халифалиги ўз даврини ўттиз йил муддатда ўтаб бўлган. Ундан кейинги уммавийлар, аббосийлар ёки усмонли турк халифаликларига гарчи халифалик атамаси қўлланилган бўлса-да, улар ҳақиқий халифалик эмас, балки амирлик, подшоҳлик эканлиги аҳли суннат ва жамоат уламолари томонидан исботланиб келинмоқда.

Ҳизбутчилар ҳар қандай даврда, ҳозир ҳам халифалик давом этиши керак, усиз яшаш мумкин эмас, у мусулмончиликнинг асосий шартларидан бири деб жар солмоқдалар. Ваҳоланки, мусулмончиликнинг барча шартлари ҳаммага аён. У шартлар ичида халифалик тўғрисида бирор ишорат ҳам йўқ.

Халифалик ислом шартларидан деб мусулмонлар онгини чалғитиш, имон-эътиқодларига шубҳа туғдириш — бу айни фитна фасод ишлардир.

— Ҳизбут таҳрирчиларнинг «билағон алломалари» қабр азоби ҳақидаги оҳод ҳадис (биттадан ровий ривоят қилган ҳадис)ларда келган таълимотларни инкор қиладилар-у, аммо халифалик борасида биронта оҳод йўли билан келган ҳадисни топиб олсалар, уни фарз даражасига кўтариб, ўз ғаразли мақсадларининг далили сифатида бонг урадилар. Гарчи халифа сайлаш уларнинг даъвосига кўра фарз даражасидаги амал бўлса, унда нима учун Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам вафотларидан аввал бирон кишини ўзларидан кейин халифаликка тайинлаб кетмадилар?


Тарихдан маълумки, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассалам вафотларидан сўнг маккаликлар ҳам, мадиналиклар ҳам ўз номзодларини халифа қилмоқчи бўлдилар. Оқибатда келишмовчилик содир бўлди. Шунда саҳобалардан бири:

«Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламдан эшитган эдим. Он ҳазрат: «Имомлар Қурайш қабиласидан бўлур, деган эдилар», — деди.

Шундан сўнг барча мусулмонлар Қурайш қабиласига мансуб бўлган Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳуни халифа бўлишларига рози бўлдилар.

Ҳизбут таҳрир оқимининг яна бир даъволари шундан иборатки, гўёки улар «шаръий шартларни ўзида тўла мужассам этган шаръий уюшма» эмишлар. Шунинг учун ҳам барча мусулмонлар уларнинг уюшмасига бирлашиши шарт эмиш. Шу уюшмага қўшилмаганлар дунё ва охиратда Оллоҳнинг азобига гирифтор бўлиб, гуноҳкор бўлар эмишлар. Улар ўзларининг бу даъволарига Қуръони каримдаги қуйидаги оятни далил қилиб олибдилар: «Орангизда яхшилик (Ислом)га чақирадиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин» (3/104).

Бу ояти каримадан асл мақсад шуки, мусулмонларнинг барчалари ҳам шаръий аҳкомларни, ҳақиқий Ислом таълимотларини мукаммал ўрганишга имкониятлари бўлмаслиги табиий ҳолдир. Чунки, ҳамма ҳар соҳага қизиқади ва турли вазифаларда ишлайди. Шундай бўлгач, бу оят мазмунига кўра ҳақиқий Ислом таълимотини ўрганиб, шариатда нима ҳалолу нима ҳаромлигини мусулмонларга тўғри тушунтириб бера оладиган уламолар бўлишини тақозо этади.



ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Истиқлолимизнинг улкан тўйи арафасида мамлакатимизда 8 йил мобайнида амалга оширилган ишлар кинотасмаларидек кўз ўнгингдан ўтаверади. Негаки, биз шу долғали йилларда барча воқеаларнинг шоҳиди бўлдик, улар билан бақамти яшадик, ҳам жисман, ҳам маънан улғайдик.

Айниқса, жамият маънавиятидаги юксалишлар тафаккуримиз тамойилларини ҳам ўзгартириб юборди. Одамларга, ҳаётга, келажакка бўлган нуқтаи назаримизни эндиликда қудратли ботиний куч бошқариб борадиган бўлди. Хўш, бу ботиний куч нима ўзи?

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу — инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган ички бир жўшқин туйғудир. Табиийки, бу туйғу йилдан-йилга шаклланиб, жамият тараққиётига хизмат қила боради. Эндиликда у эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдек долзарб вазифани олдимизга кўндаланг қўйди. Демак, бизнинг вазифаларимиз кўлами тобора кенгайди. Бошқача айтганда, энди биз «ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

Дарҳақиқат, бу биз, педагог-олимларнинг олдига икки ҳисса вазифа қўяди. Коллежимиз гарчанд ҳали ёш бўлса-да, педагогик жамоамиз ана шундай юксак масъулият билан ишламоқда. Зеро, билим даргоҳимиз ҳам, жамоамиз ҳам — Истиқлол фарзанди. У шу йилларда ташкил топди, оёққа турди, шаклланди. 1996 йилда коллежимиз ўқув ва ётоқхона бинолари Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳомийлигида капитал таъмирдан чиқарилди. Ўқув-аудитория жиҳозлари билан тўла таъминланди. Айни пайтда энг сўнгги моделдаги 60 дан ошиқ компьютерлар талабалар хизматида.

Аслида, коллежимиз талабалари бу ерда ўз ихтисосликлари, компьютер ва чет тили бўйича мукаммал билимга эга бўладилар. Ушбу мукамалликнинг тўлақонли шаклланишида Банк-молия академияси, Минтақавий банк-ўқув маркази, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан тузган шартномаларимизнинг ҳиссаси катта.

Шунингдек, республикамизнинг йирик банклари — «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахтабанк», «Асакабанк», «Ўзтадбиркорбанк»лар билан ҳам шартномалар тузилиб, унга мувофиқ, талабалар банк бўлинмаларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказадилар, ҳамда назарий билимларини амалий иш кўникмалари билан мустаҳкамлайдилар. Бундан ташқари, бевосита коллежнинг ўзида банкларнинг етакчи мутахассислари амалий машғулотлар олиб борадилар. Бир неча банк бўлинмаларида коллежнинг ўқув хоналари ташкил қилинган.

Коллежимизда банк иши, банкларда бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва солиққа тортиш, қимматбаҳо қоғозлар ва кўчмас мулк билан операциялар мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Биргина кундузги бўлимимизда 740 нафар талаба ўқимоқда.

Бу йил коллеж ҳаётида ҳам, педагог ва талабалар ҳаётида ҳам унутилмас йил бўлиб қолади. Негаки, эрта-индин коллежимизнинг 125 нафар талабаси биринчи қалдирғоч сифатида парвоз қилади. Энг қувонарлиси шундаки, уларнинг 41 нафари ўқишни имтиёзли диплом билан тугатаяптилар.

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг бекиёс имкониятлари, айниқса, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобидаги таълим-тарбияга оид беназир фикрлари, мамлакатнинг ўрта-махсус ва касб-ҳунар ўқув юртлари барпо этиш салоҳият-режалари ҳар бир кишини, жумладан, ҳар бир педагогни ҳайратга солиши, қолаверса, улкан масъулият юклаши табиий. Шу билан бир қаторда бу ишларни амалга ошириш учун инсон бугунги куннинг нафасини ҳис эта олиши, ақлан ва маънан тайёр бўлиши ҳам керак. Негаки, бугун замон шитоби тез, давр катта суръатларда олдинга интилмоқда. Бир ўйлаб кўринг. Кечагина ким эдиг-у, бугун ким бўлдик? Кечаги боқимандалик кайфияти бутунлай йўқолди. Энди ҳар бир корхона ёки заводга ҳунарли, ақлли кадрлар керак. Сабаби — мамлакатимиздаги кўплаб корхона ва ташкилотлар хусусийлашмоқда ҳамда мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу эса яхши кадрлар учун кураш бошланди, деганидир. Демак, шу билан бир қаторда кадрлар ўртасида рақобат ҳам бошланди. Ким кимдан устун, ким кимдан зукко ва зийрак? Табиийки, бу ёшлардан ўз устларида жиддий ишлашларини талаб этади. Мустақиллигимизнинг 8 йили мобайнида бу ҳол кўзга яққол ташланиб қолди.

Бундан ташқари, банклар мисолида яна бир воқеани кузатайлик. Илгари банклар давлат томонидан идора этилар, табиийки, чет эллар билан алоқалар ҳам давлатлар миқёсида амалга ошириларди. Эндиликда эса ҳар бир банк чет эллар билан муносабатда бўлиши, алоқалар юритиши мумкин. Шу туфайли талаба — Лондонда ўқийдими, АҚШда таҳсил оладими, Тошкентдами — у, албатта, халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассис бўлиши керак. Демакки, ўқув юртлари ишлаб чиқаришдан орқада эмас, балки бақамти, ҳатто олдинда юриши лозим бўлади. Биз ўз коллежимизда даврнинг ана шу долзарб муаммоларини ҳам бос-қичма-босқич ҳал қилиб бораяпмиз. Ёшларнинг малакали мутахассис бўлишлари учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, бугунги кунда ўқув юртимизда банк коллежлари бўйича халқаро эксперт ишламоқда. Япониялик бу мутахассис ўқув режалари ва дастурларни ўрганади, уни халқаро дастурлар билан қиёсан таҳлил этади. Зарур бўлганда ўз таклифларини бермоқда.

Шулар тўғрисида, умуман, таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва юксалишлар ҳақида, ватандошларимиз тафаккуридаги янгиланишлар хусусида ўйлаганимда, Истиқлолнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини ҳис этаман. Кўз олдимда бугун ёшларимизнинг порлоқ келажаги — XXI аср гавдаланаверади. Зотан, бу янги асрга ўз орзуниятларимиз ва эзгу интилишларимиз билан биз ҳам дахлдормиз. Бу дахлдорлик туйғуси эса ҳаммамиз ва ҳар биримизни сергаклантириб, озод ва обод юрт, унинг меҳнаткаш ва фидойи инсонлари тақдири учун курашишга илҳомлантириб туради.

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент банк коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди.

DAEWOO
ДЭУ КОМПЬЮТЕР ва КОММУНИКАЦИЯ
C&C

ОЛИНГ

ДЭУ КОМПЬЮТЕРЛАРИ — АЪЛО СИФАТЛИ

399000 СЎМ.

Pentium II 400 MHz

15" Color Monitor/4.3 GB HDD/32 MB/ 4MB AGP/512 Cache/1.44 MB FDD

ТЕЛ.: 144-77-68, 144-77-69, 144-77-70, 144-77-71
ФАКС: 144-76-56

tasvir 1919

МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТГА БАРЧА МАСЪУЛ

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси қошида ташкил этилган "Маърифий тарғибот кенгаш"лари Зарбдор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида маърифий-тарғибот учрашуви ўтказди.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Бу ютуқлардан кенг халқ оммасини, айниқса ёшларни хабардор қилиш, улар онгида миллий мафкура ғояларини шакллантириш, ғоявий жиҳатдан айрим ғўр ёшларнинг ақидапарастлик ва диний экстремизм таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш қатнашчилари бу борада мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шуғулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш, таълим муассасалари қошида болаларнинг онгини юксалтирадиган, уларни тарбиявий тадбирлар ва ижобий ишлар билан банд этадиган турли хил ташкилотлар, тўгараклар тузиш, шу орқали уларни она Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялаш халқ таълими ходимлари олдидаги масъулиятли вазифа эканлигини таъкидладилар.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки

ҳамкорликда муомалага чиқарган 25 сўмлик

«СПРИНТ- МЕҲРИБОНЛИК»

лаҳзалик пул ютуқли лотереяси сотиб бўлинганлиги билдирилади Фуқаролар қўлида қолган ютуқли лотерея билетларини тўловга қабул қилиш 1999 йил 8 ноябргача Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари орқали амалга оширилади.1999 йил 8 ноябрдан сўнг лотерея билетлари тўловга қабул қилинмайди.

Ф/1923

ҚАТТИҚ ВА СУЮҚ ҲОЛАТДАГИ КАУСТИК СОДАНИ СОТАМИЗ

ТЕЛ.: 126-03-18, 126-13-18, 77-76-78.

2008

ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Маткулов билан суҳбат

— Ҳудди шунинг учун ҳам юртимизда ҳақиқий исломшунос уламоларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида» фармон Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «Ер юзидаги уламолар бамисоли осмондаги юлдузлар кабидир. Ерда ҳам, сувда ҳам уларга қараб йўл топилади. Юлдузлар botса, йўлчилар адашиши мумкин» деган ҳадисларига мувофиқ келишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Негаки исломни пухта билган уламолар етарли бўлсалар, улар оммага ҳақиқий ислом нимаю, ислом ниқоби асосида ишловчи бузғунчилар кимлигини тушунтириб берадилар. Шундай қилинганида ҳеч кимнинг Ҳизбут таҳрирчилар каби бузғунчиларга эргашмаслиги аниқ. Зеро, илмлилар адашмайди.

Шу кеча-кундузда ҳақиқий билимдон, имони бут кишилар барча исломшунос олимлар аҳоли ўртасида амри маъруф ишларини чуқурлаштиришлари, Ҳизбут таҳрирнинг бузғунчи ғоялари моҳиятини оммага тушунтириб бермоқлари лозим.

Бу борада айниқса имом-хатиблар фаоллик кўрсатишлари даркор. Улар бугун эътиборларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг «дин» ниқоби остидаги динбузарлар ҳақида фатво»сини бажаришга қаратишлари даркор. Негаки Ҳизбут таҳрир домига илинганлар давлатимиз ва унинг раҳбарларинигина эмас, мамлакатимиздаги расмий диний ташкилотларни ҳам тан олишмайди. Муфтийлан тортиб, йирик-йирик дин пешволари, имом-хатиблар, ғояларига қўшилмаган барча алломалар, ҳатто ўз ота-оналарини ҳам тан олмайдилар. Давлатимиз ва диний идоралар раҳбарлари билан ҳисоблашмайдилар. Аксинча, уларнинг покиза шаънларини тана-бўҳтонлар билан булғамоқчи бўладилар.

Шундай экан, уларнинг ҳақиқий мақсадлари, қиёфалари ва қилмишларини тушунтириб берадиган амри-маъруфлар зарур бўлиб қолди.

— Ислом таълимотини барча инсониятга етказиш зарур бўлганлиги учун ҳам Оллоҳ таоло қодир бўлган мусулмонларга амри-маъруф ва наҳий-мункарга аҳамият бермоқлари зарур эканлигини Қуръони каримда шундай баён қилади: «Сиз мусулмонлар инсоният тарихида вужудга келган умматлар ичида энг афзалидирсизлар. Чунки, сизлар ёлғиз Оллоҳга имон келтириб, инсонларни яхши ишларга ундаб, ёмон ишлардан қайтарурсизлар».

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, амри-маъруф ва наҳий-мункар қилиш барча учун фарз эмас, балки, шариат аҳкомларини яхши билган кишиларгагина фарздир. Шариат ҳукмларини тўла билмайдиганларга эса фарз эмас. Чунки, улар одамларни нотўғри йўлга бошлаб юборишлари мумкин.

Тарихдан маълумки, Ислом динининг илк даврларидаёқ илмли кишилар — уламолар, олиму фузалоларга катта ҳурмат билан эътибор берилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жойларда Ислом динини тарғиб этишлари учун кучли илмга эга бўлган саҳобаларнигина жўнатганлар. Шундан маълумки, Ислом динига даъват қилувчининг аввало ўзи шариат аҳкомларини тўла билган, илмли ва зукко киши бўлмоғи даркор.

— Бизнинг юртимизда эса истиқлолимиз туфайли динга кенг йўл берилганлигидан фойдаланиб, турли маросим ва йиғинларда амри-маъруф қилувчи сохта, чалamуллалар кўпайиб кетди. Уларнинг аксарияти на диний, на дунёвий билимга эга эмасликлари аччиқ. Бундайлар ўз билганларича қилган «амри-маъруф»лари билан кўпчиликнинг қимматли вақтларини олганликлари етмагани устига аҳолини турли бузғунчи йўлларга бошлаб, бутун жамиятга маънавий зарар етказмоқдалар.

— Менимча ҳам сўнгги вақтларда, ҳали ўзи мукаммал диний маълумотга эга бўлмаган, шаърий аҳкомларни етук даражада билмайдиган, баъзи бир кишилар Ҳизбут-таҳрир ва шу каби бузғунчи оқимлар таъсирига берилиб қолганлиги туфайли, уларнинг пуч ғояларига алданиб, турли варақаларни тарқатиб юрибдилар. Натижада улар халқни ҳидоят йўлига бошлайман, Ислом дини таълимотидан оммани бохабар қиламан дейдилар, лекин, амалда Ислом дини таълимоти моҳиятини чуқур билмаганликлари учун динимизни сохталаштиришга сабабчи бўлиб, ўзлари англамаган ҳолда оғир гуноҳ ишларни қилиб қўймоқдалар.

Ислом дини — муқаддас дин. Бу муқаддас динимиз юртимизга кечагина кириб келган эмас. Ота-боболаримиз ва халқимиз онгига у асрлар мобайнида чуқур сингиб кетган. Кўҳна диёримиз халқлари Ислом динидан айри ҳолда, ўз тарихлари, миллий урф-одатлари, қадриятлари ва кундалик турмуш тарзларини сира тасаввур эта олмайдилар.

Истиқлолнинг илк даврлариданоқ, динга муносабат давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид-мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича улкан тадбирлар амалга оширилди.

Йўлбошчимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, Ўзбекистон дунёвий давлат, бинобарин, мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган бўлгани билан дин аҳли жамиятдан ажратилмаганлигини, хусусан, қадимий ва барқарор диний анъаналарга эга кўҳна диёримизда бу борада ғоятда эҳтиёткорлик билан оқилона сиёсат юритиш лозимлигини республикамиз раҳбарияти ўз вақтида англаб етди ва бу масалага оқилона ёндошилди. Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканини таъкидлаб, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаётда яхши из қолдиришга ундаб туради. Мамлакатимизда динга барча шарт-шароитлар яратилиб, диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилмоқда. Айни замонда дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга шуни уқтирмоқчимизки, дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар ҳудога ҳам хуш келмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни ҳудожўй тоифаларга ажратмайди. Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, ҳудонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир биримизни беҳудага айблаб, мен мусулмон, сен кофир деб талашиб юришлар биз ўзбекларга тўғри келмайди. Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин, кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканлигини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради.

— Шу ўринда бизнинг республикамизда турли динларга мансуб ҳар хил миллатларнинг фарзандлари истиқомат қилишларини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бас, шундай экан, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади» деган ҳадисларига мувофиқ иш юритишимиз, давлатимиз қонун-қоидалари шунга мос эканлигини, ҳаммамиз ана шу ҳадису давлатимиз қонунларига риоя қилиб яшашимиз даркор эмасми?

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқаролар учун виждон эркинлигини кафолатлайди. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Айни чоқда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди, деб ёзилган. Бироқ, кейинги йилларда бу талабларни бузишга ҳаракат қилиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Бундай ҳаракатларнинг ташаббускорлари Ҳизбут таҳрир деб аталмиш бузғунчи оқим вакилларидир. Бу оқимга мансуб кишилар ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари билан жамиятдаги барқарор ҳолатга салбий таъсир кўрсатишга интилмоқдалар. Ўз моҳиятига кўра Ҳизбут-таҳрир диний ақидапарастликнинг ошкора ифодаси бўлиб, унда диний фанатизм ва экстремизмнинг барча унсурлари мавжуд. Бу унсурлар фуқаролар ўртасидаги ва умуман жамиятдаги муносабатларни кескинлаштиришга қаратилгандир. Улар ўз ғаразли мақсадларини кўзлаб, ҳокимиятнинг қонуний фаолият кўрсатаётган органлари ва мансабдор шахсларига қарши, хусусан, муҳтарам Президентимизга ва у киши олиб бораётган оқилона сиёсатга қарши игво, фитна ва бўҳтон тарқатишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Улар томонидан тарқатилаётган, ғаламислик билан тўлиб-тошган турли варақалар фикримизнинг далилидир.

Бузғунчи оқимлар ва диний фанатизм ҳақида Йўлбошчимиз «Ўзбекистон XXI аср бусағасида» номли китобларида шундай деганлар: «Инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки, вайрон қилувчи куч, ҳатто, фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар».

— Амалда ҳам ҳудди шундай бўлмоқда. Мудҳиш 16 февраль воқеалари бунинг исботи. Мазкур қонли қўпорувчилик юртимиздаги ҳар бир имони бут фуқаро учун сабоқ бўлиши керак. Айниқса ёшларимиз тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз шарт. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида айтилганидек, «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлишлари учун доимо қайғуришимиз, қурашишимиз зарур». Шундай қилсак, буюк давлат қуриш, халқимизни юксак даражадаги фаровон турмушга эришиш сари қилаётган саъй-ҳаракатларимиз тез кунларда амалга ошиши муқаррар. Аксинча иш тутсак, ёшларимизнинг Ҳизбут-таҳрир каби бузғунчи уюшмалар таъсирига тушиб қолишига йўл қўйсак, юртимиздаги осойишталик, барқарорликка путур етиши, барча эзгу ниятларимиз, бошлаган улуғ ва хайрли ишларимиз хавф остида қолиши мумкин.

— Шундай бўлмаслиги учун эса ҳамиша ҳар бир ишдан огоҳ бўлишимиз, доимо ҳушёрликни ошириб боришимиз даркор. Президентимиз жон куйдириб таъкидлаганларидек, «Ҳамиша шуни эсда тутишимиз керакки, айнан жамиятимиздаги барқарорлик — энг катта бойлигимиздир. Бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланишимизнинг кафолатидир».

Суҳбатдош:
Мурод КАЛОНХОН.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва марказий аппарати соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини, профессор Дамин Абдураҳимович Асадовга ўғли

АЛИШЕРнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ахборот таҳлили ва назорат бўлими бошлиғи Ортиқхўжа Абдуваҳобовга онаси

Ўғилбиби ая РАИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги вазирликнинг қурилиш ва таъминот бошқармаси бошлиғи Баҳодиржон Муҳамеджоновга қизи

Шоҳистахон РАШИДОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти раҳбарияти «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими бошлиғи Маҳмуд Жабборович Сатторовга волидаи муҳтарамаси

Мукаррам ая САТТАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди».
Ислом КАРИМОВ.



ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ РЕЦЕПТИ... ТАЪЛИМ МАЗМУНИДА

Республика Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида: «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ» — деган эдилар.

Дарҳақиқат, бу сўзлар мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш бўйича беқиёс вазифалар турганини англатади. Зеро, фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол, Ватан манфаатларини ҳар қандай шароитда шараф билан ҳимоя қила оладиган фуқаролар бўлиб етишишларида бугунги олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни давр талабига ҳозиржавоб бўлиши, унинг мазмуни давлат ва жамият эҳтиёжига мос бўлишини тақозо этади. Бу эса Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг ҳал қилувчи гаровидир.

Шу мезоний тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, олдимизда турган улкан вазифалар ечимини футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар мисолида кўрсатишга чоғландик. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 17 январдаги қарорига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, шунингдек, Тошкент шаҳрида футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил қилинган эди.

Спортнинг футбол турига тааллуқли бу таълим муассасасининг тажриба майдончаси сифатида олиниши бежиз эмас. Президентимиз айтганларидек, «Спортчи майдонга ўз юрти, ўз халқи номидан тушади. Унинг ғалабаси шарафига Давлат мадҳияси янграйди, мамлакат байроғи кўтарилади. Ҳар бир мамлакат, миллат ўз чемпионлари билан фахрланади. Шунинг учун ҳам улар Ватаннинг ифтихорлари ҳисобланади».

Таълим соҳасида рўй бераётган ислоҳотлар доимий диққат эътиборимизда бўлмас экан, улардан кутилаётган натижалар самараси кўнгилдагидек бўлмайди. Аввалambор, ҳаммамиз бир нарсани эътироф этишимиз керак. Таълимнинг кучи ва таъсири — унинг мазмунидадир. Шу боисдан, биринчи навбатда, биз футбол мактаб-интернатлари ўқув режа ва дастурлари мазмунини таҳлилдан ўтказдик. Натижалар у қадар яхши бўлмади. Улар эскича қарашлар асосида тайёрланган бўлиб, ёшларни мустақил фикрлашга даъват этмайди, ўқувчиларнинг онги ва тафаккурида Ватан туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор, маънавият асосларини шакллантиришга қаратилмаган. Умуман, мактаб ўқув режасига бирорта маънавий-ахлоқий предмет киритилмаган. Ихтисослик фанлари эса ўлда-жўлда, илмий-методик жиҳатдан таъминланмаган ҳолда олиб борилган. Мактаб-интернатларнинг ташкил этилганига уч йил бўлганига қарамасдан уларнинг моддий-техник базаси ёмон аҳволда. Мактаб кутубхонаси ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади.

Таҳлил натижалари ва аниқланган камчиликлар, беихтиёр, бизнинг футболда кузатилаётган беуқувлик, иродасизлик, паст даражадаги тактик ва техник тайёргарлик, умуман айтганда, миллий футболимизда ҳукм сураётган тушкунликнинг илдизи айнан футбол мактаблари таълим мазмуни билан боғлиқ эмасмикан, деган фикр уйғотади.

Янгиликка интилган ҳолда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси ва ҳаракати билан футбол мактаб-интернатларининг ўқув режа ва дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Унга мактаб тизимида илк бор маънавий-ахлоқий предметлар блоки киритилди. Мазкур блок «Ўзбекистон ифтихорлари», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари» ва «Нутқ маданияти» янги предметларини ўзига қамраб олди.

Ростини айтиш керак, ўқув режасига янги предметларни киритиш осон кечмади. Минг афсуслар бўлсинки, ҳанузгача айрим раҳбар ходимлар таълим мазмунини ислоҳ қилишга, уни такомиллаштиришга қаршилик кўрсатишмоқда. Баъзи шундай ходимлар — «Ватан туйғуси», «Ўзбекистон ифтихорлари» ёки «Нутқ маданияти»ни алоҳида предмет сифатида ўқитиб бўлмайди, бундай предметларнинг ўзи ҳеч қаерда йўқ, мана математика, химия ёки физикани предмет деса бўлади, дейдилар. Бу гапларни тинглаб, аввало хайрон қоласан киши, наҳотки уларнинг онги шу даражада қотиб қолганки, маънавий-ахлоқий таълимнинг моҳиятига етишмаса. Сўнг, бир фикрга келасанки, бу тоифадаги кишилар умуман янгиликка қарши бўлади, чунки бунёдкорлик тинимсиз меҳнат қилишни, ўз ишига фидойиликни талаб этади. Бу фазилатларга эга бўлиш эса ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Олдимизга ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш билан бир қаторда уларга ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқимизга хос юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни узлуксиз равишда шакллантиришни асосий вазифа қилиб қўйдик. Бу вазифани адо этиш учун футбол мактаб-интернатларида ўтказилиши зарур бўлган махсус маънавий-маърифий анъана ва маросимлар тизими ҳам ишлаб чиқилди. Чунки ҳар бир мамлакатнинг ўзлиги, қиёфасини белгилаб турадиган номи, давлат рамзлари бор. Ушбу тизим таркибига давлатимиз байроғи рангларини тасвирланган махсус футбол формаси жорий этилиши, мактабнинг марш темпида айтиладиган кўтаринки руҳли ўз қўшиғи бўлиши, футбол мусобақаларини бошлашдан олдин давлат мадҳияси ижро этилган, сўнг барча жамоа аъзолари давлатимиз байроғига тантанали таъзим беришлари каби анъана ва маросимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу борада амалий тадбирлар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда ва пировард натижада ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи ҳаракатчан механизм яратилади ҳамда мавжуд эскича қарашларга барҳам берилади.

Маълумки, ҳар бир махсус таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва зарур амалий кўникмаларга эга бўлиш қобилияти бевосита улар билим юртига қандай танлаб олинганига боғлиқ. Футбол интернатларига шу йилгача қабул масаласига расмиятчилик билан, ўқувчиларни жисмоний ривожланганлиги ва тайёргарлигига нисбатан юзаки ёндошганлигимиз боис ижобий натижаларга эриша олмадик. Шунинг учун мактаб-интернатларга ўқувчилар танлаш ва қабул қилиш тўғрисида илмий ва амалий жиҳатдан асосланган янги Низом ишлаб чиқилди (1999 йил 10 июлдаги «Маърифат» газетаси). Уни ишлаб чиқишга соҳа мутахассислари И. Н. Кожбахтеев, А. П. Блинков ва бошқалар жалб қилинди. Янги Низомга бинoан интернатга 10-11 ёшли умумий бошланғич таълим босқичи (4-синф)ни тугатган ўқувчи-номзодлар рейтинг тизими бўйича танлаб қабул қилинадилар. Номзодларнинг, аввало, жисмоний ривожланганлиги (бўйи, оғирлиги) баҳоланади. Сўнгра улар учун футбол ихтисосига оид имтиҳонлар, умумтаълим фанлар (математика, она тили) бўйича тест синовлари ташкил этилади ва махсус танлов ўтказилади. Низомга асосан ўқувчиларни интернатга қабул қилишни ташкил этувчи қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси, олий таълим муассасалари вакиллари жалб этилади.

Футбол интернатлари таълим-тарбия ишларига олий лиганинг етакчи футболчилари, жисмоний тарбия институтининг олий тоифали мутахассислари, футбол бўйича ихтисослашган энг яхши спорт журналистлари жалб қилинадилар. Ўқиш давомида энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари қўлланилади. Кутубхоналар фондига алоҳида эътибор қаратилади. Улар, айниқса, маънавий-маърифий мавзулардаги манбалар, турли тилларда нашр этилган футболга оид дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан бойитилади. Тарбияланувчиларга олий лиганинг барча футбол мусобақаларини стадионга бориб кўриш ва ўқув машғулотларида чуқур таҳлил қилиш имконияти яратилади. «Футбол назарияси ва амалиёти» предмети дарсларида ўқувчилар футбол ўйини тактикаси ва техникасини мукаммал ўзлаштириб борадилар. Ўқиш мобайнида республика миқёсида турли мусобақалар ўтказилади ва ўқувчиларнинг амалий кўникмаларига баҳо берилади. Синфдан синфга ўтишда ўқувчилар жиддий имтиҳонлардан ўтказилади. Белгиланган рейтинг кўрсаткичларга эриша олмаган ўқувчилар ўқув дастурини ўзлаштирмаган деб ҳисобланади ва ўқиши умумий ўрта мактабга ўтказилади.

Тарбияланувчиларнинг ўқишга, ўз маҳоратларини янада такомиллаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш мақсадида энг юқори рейтинг кўрсаткичларга эришган ўқувчилар учун махсус стипендиялар тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари белгиланади.

Хуллас, таълим мазмунини янгилаш борасида кўрилган барча чоралар 1999 йил футбол мактаб-интернатлари учун юксалишнинг таянч нуқтаси бўлиши ва беш йиллик ўқиш муддати тугаганидан сўнг улардан ёрқин футбол юлдузчалари етишиб чиқишига энди асос борлигига ишончимиз комил. Ёш футболчилар профессионал футбол клублари жамоаларида ўйнаш билан бирга ўз билим ва кўникмаларини махсус коллежларда оширадилар. Келажакда бу юлдузчалар нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон футболи ёрқин юлдузлари бўлиб камол топишидек орзуларимиз ҳам йўқ эмас.

Қилинган ишлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури салномасида бир кичкина томчи бўлди, холос. Олдимизда ҳали ечимини кутаётган масалалар талайгина, вақтимиз эса чегараланган. Бу вазифаларни тўла тўкис бажариш таълим соҳасида ишлаётган барча инсонлар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида «...аввалambор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳозирги кундаги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз» эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Алишер КАРИМОВ,
Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

ТИНЧЛИГИМИЗ МУҲОФАЗАСИГА МАСЪУЛМИЗ

Ёзги мавсум ўқув машғулотларида офицер Рашид Гинатулин командирлик қилаётган разведкачилар ротаси шахсий таркиби шижоат билан қатнашиб, жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва бошқа тайёргарликларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бундан аскарлару бўлинма командири, батальон ва қисм қўмондонлиги ҳам мамнун.

— Агар аскар ҳарб илмини, ўз ҳарбий мутахассислигини мукаммал эгаллаб олмас экан, у Ватан ҳимоячиси номига том маънода муносиб бўлолмайди, — дейди Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Исмат Икромов. — Буни бизнинг бўлинмамиздаги ҳар бир жангчи дилдан ҳис қилади. Шу боис ҳам жамоамиз аъзолари жанговар қурол-яроғ ва қудратли техникалар сир-синоатларини қунт билан ўрганишмоқда.

Дарҳақиқат шундай! Буни разведкачилар ротаси азамат йигитларининг баҳорги синов якуний машғулотларида фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар олишгани ҳам тасдиқлаб турибди. Улар бугунги кунда ҳам бўш келишаётгани йўқ. Ўзларининг етук қуролли ҳимоячи эканликларини ўтказилаётган ҳар бир назарий ва амалий сабоқлар жараёнида яққол намоён қилишмоқда. Олотлик (Бухоро) Ойбек Каримов, бекободлик (Тошкент вилояти) Мамашариф Ҳасанов, яккабоғлик (Қашқадарё) Воҳид Қодиров, урганчлик (Хоразм) Умрбек Анназаров сингари кўплаб Ватан ҳимоячилари командирларининг барча буйруқ-кўрсатмаларини бекаму кўст бажариб, олқишга сазовор бўлишаётир.

— Пойтахтимизда шу йил 16 февраль куни содир бўлган мудҳиш воқеалар мустақиллигимизни кўролмайдиган гаразли кимсалар борлигидан бизни огоҳ этди, — дейди Бухоро туманидан армияга чақирилган взвод бўлинмасининг командири, кичик сержант Жамол Жалолов. — Бундай қабиҳ ниятли кишилар — қора кучлар яна тинчлигимизни бузишга ҳаракат қилмайди, деб айтиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз — қўлда қурол билан жонажон Ўзбекистонимизни ҳимоя қилаётган жангчилар туну кун сергак ва шай турмоғимиз керак.

Мен ўзим ва бўлинмамиз аскарлари номидан баралла айта оламан-ки, кимнингдир алдовига учиб, пулга сотилиб ўз Ватанига хиёнат қилган бундай нияти бузуқ нокаслар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, барибир мақсадларига эриша олмайдилар. Давлатимиз, халқимиз ва Президентимиз ҳимояси, мустақиллигимиз муҳофазаси ишончли қўлларда. Биз ҳарбий Қасамёдимизга мудом содиқ бўлиб, она заминимиз ва халқимизни, Юртбошимизни кўз қорачиғимиздай асраймиз.


Мана бу йил мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 8 йиллиги кенг нишонланади. Бутун халқимиз қатори ушбу қутлуғ тўйга разведкачилар бўлинмаси жангчилари ҳам муносиб туҳфа ҳозирлашмоқда. «Мавсумий тайёргарликларда эришаётган ютуқларимиз — жанговар шайлигимиз бизнинг муносиб совғамиз бўлади, улуғ айёмга», — дейишмоқда улар.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

SAVDO UYI DIYOR TRADING HOUSE

«DIYOR» САВДО УЙИ



Италияда ишланган аъло сифатли мебелларни кенг кўламда тавсия этади:



- ЁТОҚХОНА МЕБЕЛЛАРИ
- ОШХОНА МЕБЕЛЛАР ТЎПЛАМИ
- ДЕВОР ШКАФЛАРИ ТЎПЛАМИ
- ОШХОНА ГАРНИТУРИ

(тўпламда қуйидагилар бор: электр-газ плитаси, ҳаво сўрғич, идиш ювиш мосламаси ва 2 камерали музлатгич)

- ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАР ТЎПЛАМИ (ёйма дивани билан)
- ДАҲЛИЗ МЕБЕЛЛАРИ
- ЖУРНАЛ СТОЛЛАРИ

Арзон нархларда!

СИЗНИ КУТАМИЗ!

Манзилимиз: Усмон Носир кўчаси, 30 "а", 1-дўкон. Тел.: 55-14-84, 55-17-60.

Амир Темур кўчаси, 6. 2-дўкон. Тел.: 34-63-39; Мўлжал "Главпочтамт".

«Бешёғоч» кўчаси, 4, 3-дўкон. Тел.: 45-53-60, Мўлжал: "Халқлар дўстлиги" концерт зали қаршисида.

ТХ@1884

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1999 ЙИЛ УЧУН ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Докторантурага

06. 01. 02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (2 ўрин)
08. 00. 04-Микроиқтисод (1 ўрин)

Аспирантурага

05. 20. 01-Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш (кундузги бўлимга)- (3 ўрин).
05. 20. 03-Қишлоқ хўжалик техникаларини эксплуатация қилиш, тиклаш ва тавмирлаш (кундузги бўлимга)- (3 ўрин).
05. 23. 07-Гидротехника ва мелиорация қурилиши (кундузги бўлимга) (1 ўрин)
06. 01. 02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (кундузги бўлимга) (3 ўрин)
08. 00. 04-Микроиқтисод (кундузги бўлим 5 ўрин, сиртқи бўлимга 1-ўрин

Ҳар йили 10 сентябрдан 10 декабргача ва 10 январдан 10 апрелгача институтда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари», «Фалсафа ва фаннинг методологик муаммолари» ва чет тили («инглиз, немис, француз») фанларидан пуллик ўқув курсларига номзодлик имтиҳонларини топширишга тайёрлаш учун тингловчилар қабул қилинади!

Ахборот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори-Ниёзов кўчаси,39-уй,ТИКХМИИ аспирантура бўлими, тел: 35-72-20
Ҳужжатларни қабул қилиш муддати-эълон чиққан кундан бошлаб 1999 йил 30 сентабргача.

1917

Туйга тўйлар улансин



ШАЙХОНТОҲУРЛИКЛАР ҲИММАТИ

Яхшилар тўйга келишар экан, тўй тўйларга улансин, топганинг тўйга буюрсин, деб эзгу ният қилишади. Халқимизнинг пурҳикмат ниятига амал қилган Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, республикамиз мустақиллигининг саккиз йиллиги тўйига тумандаги 48 та маҳаллада яшовчи эллик нафар болакайнинг хайрия суннат тўйини улаб юборишга аҳд қилди.

— Орзу-ҳавас билан ўғил тўйларини ўтказаётган, бадавлат, қодир оилалар қатори, уларга ҳавас билан боқиб, ўкинч кўз ёшларини яшириб юрган, боқувчисини йўқотган ёлғиз оналар, кам таъминланган, даромади оз оилалар кўнглини кўтариш ниятида, туман ҳокими Миркамол Одилов билан маслаҳатлашиб, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Ҳислат Содиқов, — ушбу савобли ишни бошлаб юбордик.

Ҳозир тўйга тайёргарлик авжида. Тошкент шаҳридаги «Юлдуз», «Малика» тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналари тўйболаларнинг зарбоп тўнлари, костюмлари, кўйлакларини тикишга қўли гул, энг моҳир усталарини ажратишган.

Сиз, биринчи суратда кўриб турган, ўғилчаларининг кийимларини ўлчашга олиб келган оналар, бувижонлар, қўлларини кўксиларига қўйиб, Ўзбекистоннинг бутун болаларини, ўзимнинг фарзандларим деб, амалда уларни ижтимоий ҳимоя қилиб келаётган Президентимизга, оқибатли кишиларга самимий ташаккур айтмоқдалар.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгашининг раиси Саида Жалилова (иккинчи суратда ўнгда) болаларнинг қувончини кўриб, чеварлар билан ишга киришиб кетганини сезмай қолди.

Р. РАҲМОНОВ.



ШАҲМАТ

ЖЎРАБЕК ИСПАНИЯГА БОРАДИ

Мамлакатимизда олтмиш тўрт катак устида маҳорат ила дона сурадиган ёшлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улар халқаро мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаётир. Яқиндагина Наманганда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида юртдошимиз Ольга Сон ғолибликни қўлга киритгани фикримиз далилидир.

Куни кеча эса яна бир хушхабар тарқалди. самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов шу йилнинг октябрь ойида Испанияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлди.

У Самарқанд шаҳрида ўтказилган ўн-ўн икки ёшли ўсмирлар ўртасида шаҳмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг саралаш мусобақаларида ғолиб бўлгач, ана шундай йўлланмани қўлга киритди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета ІВМ компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тахририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — М. Ҳолматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.30*
1 2 3 4 5 6